



Published on *insonvaqonun.uz* (<http://insonvaqonun.uz>)

[Бош саҳифа](#) > Адлия вазирлиги расмий веб-сайти ([www.minjust.uz](http://www.minjust.uz))да “онлайн-маслаҳатчи” хизмати ишга туширилади May 16, 2018

16.05.2018



Халқаро оила куни муносабати билан вазирлик томонидан “Оилага ҳуқуқий ёрдам” акцияси ўтказилди.

1993 йил БМТ Бош Ассамблеяси 15 майни Халқаро ОИЛАЛАР куни (International Day of Families) дея эълон қилган бўлиб, бу кун бутун дунёда нишонланади.

Бу билан ташкилот оилаларда мавжуд муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратиш, оила институтини ривожлантириш ва қадриятларни асраб қолишни мақсад қилган.

Юртимизда йилига ўртача 300 мингдан ошиқ янги оилалар пайдо бўлади.

Масалан, ўтган йили ФХДЁ органлари томонидан 306 197 та никоҳ қайд этилган.

2018 йил I чорагида Республикамизда 52 026 та янги оилалар пайдо бўлган бўлиб, мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (3 513 та) 1.6% га кўпдир. Энг кўп никоҳ Самарқанд 5 998та (11,5 %), Фарғона 5 426 та (10,4 %) вилоятларида қайд қилинган.

Акция давомида оила масаласидаги қонунчилик бўйича вазирлик мутахассислари ва ФХДЁ органлари ходимларидан иборат экспертлар гуруҳи томонидан интернет фойдаланувчилардан келиб тушган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилишди.

Акция давомида интернет фойдаланувчилардан 418 та савол келиб тушди.

Энг кўп саволлар ажрашиш, алимент, арзон-уй жой олиш, фарзандликка олиш тартиби, кам таъминланган оилаларга ажратиладиган нафақаларга тааллуқлидир.

Соат 15:00 дан 15:33 га қадар Facebook тармоғида адлия вазири ўринбосари А. Ташкулов томонидан ўтказилган онлайн мулоқотда фойдаланувчилардан келиб тушган 70 га яқин саволга жавоб берилди.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, бир қатор саволлар акция регламентига мос келмаганлиги

туфайли кўриб чиқилмади.

Шу билан бирга, акция регламентига тўғри келмаган айрим саволларга тез орада каналимизнинг “Сўраган эдингиз” рукни орқали жавоб берилади.

Бугунги акция ҳуқуқий масалаларда бу каби онлайн мулоқотнинг жуда зарур эканлигини кўрсатди.

Шундан келиб чиқиб, вазирлик веб-сайтида “онлайн-маслаҳатчи” хизматини ишга тушириш белгилаб олиниб, зарур ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилмоқда.

445 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

## Сўнгги янгиликлар:

- [Мактаб ўқитувчиларининг иш ҳақи оширилади](#) [3]
- [Тайинлов](#) [4]
- [Газетамизнинг 32 сониди...](#) [5]
- [Адлия вазирлиги 20 нафар баҳоловчиларга сертификат берилишини таъминлади](#) [6]
- [Ўзбекистонда 2018 йилнинг январь – июль ойида 1151 та хориж корхонаси ташкил қилинди](#) [7]
- [Ўзбекистон-Ҳиндистон: ҳуқуқий соҳадаги муносабатларнинг янги босқичи](#) [8]
- [Шавкат Мирзиёев ёзувчилар уйига ташриф буюрди](#) [9]
- [Қонунчиликдаги янгиликлар](#) [10]
- [Адлия хабари](#) [11]
- [Адлия вазири Русланбек Давлетов: АҚШда бўлиб ўтган диний эркинлик масаласига бағишланган конференциядаги иштироки ҳақида](#) [12]

---

**Source URL:** <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/3612>

### Ссылки

[1] <http://insonvaqonun.uz/print/3612>

[2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/3612>

[3] <http://insonvaqonun.uz/node/3999>

[4] <http://insonvaqonun.uz/node/3997>

[5] <http://insonvaqonun.uz/node/3990>

[6] <http://insonvaqonun.uz/node/3989>

[7] <http://insonvaqonun.uz/node/3987>

[8] <http://insonvaqonun.uz/node/3978>

[9] <http://insonvaqonun.uz/node/3976>

[10] <http://insonvaqonun.uz/node/3974>

[11] <http://insonvaqonun.uz/node/3973>

[12] <http://insonvaqonun.uz/node/3972>